



Received: August 14, 2021
Accepted: September 11, 2021
Available online: September 25, 2021

Дилноза Аминова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети доценти
Тошкент, Ўзбекистон

Dilnoza Aminova

Associate Professor, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: www.nozikdil@mail.ru

ИНТЕРНЕТ ОАВНИНГ МУЛТИМЕДИАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Бугун интернет тармоғи жаҳон ҳамжамиятини ягона виртуал маконга бирлаштириб, ахборот олиш ва тарқатишнинг энг тезкор оммавий воситасига айлантирди. Ахборот коммуникация технологияларининг мисли кўрилмаган даражада ривож, анъанавий техника ўрнини рақамли формат эгаллаши журналистиканинг тараққиётига бевоқиф ижобий таъсир кўрсатиб, ахборотни тез, сифатли тарзда тўплаш, уни қайта ишлаш, тарқатиш, аниқ овоз, матн, фото ва видео ҳамроҳлигида аудиторияга тақдим этишнинг янги кўринишларини тақдим этиш имконини берди.

Интернет макони замонавий жамият, хусусан янги шакл ва воситалар орқали инсонларнинг ўзаро ҳамфикрлиги белгилаб берувчи замонавий маданият қисми ҳисобланади. Интернет вақт, макон, маданий ҳамда миллий чегараларни йўқолишини ҳисобга олган ҳолда, янги ахборот технологиялари асосида ўзаро маданий мулоқотнинг самарали бошқарувини таъминлаши шакл-шубҳасиздир. Демак, инсон виртуал оламда турли маданият вакиллари билан ҳам оғзаки ва ёзма нутқ орқали мулоқот олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда ёзма нутқда анъанавий матндан ташқари турли белгилар ҳам қўлланилмоқда. Ушбу мулоқот натижасида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари, жумладан маданият юзасидан ҳам турфа хил хабарлар билан алмашади. Агарда юборилган хабар аниқ ва лўнда бўлса, мулоқот самарали бўлганлигидан далолат қилади. Интернет ма-

MULTIMEDIA FEATURES OF INTERNET MEDIA

ANNOTATION

Today, the Internet has united the world community into a single virtual space, making it the fastest means of receiving and disseminating information. The unprecedented development of information and communication technologies, the digitalization of traditional techniques has had a direct positive impact on the development of journalism to collect, process, and disseminate information quickly and efficiently, and in particular to present new forms of presentation to the audience in the coordination of voice, text, photography, and video.

The Internet is a part of modern society, modern culture that emphasizes the mutual understanding of people, especially through new forms and means. Given the disappearance of time, space, culture and national boundaries, there is no doubt that the Internet will provide effective management of intercultural dialogue because of new information technologies. This means that in the virtual world, a person communicates with representatives of different cultures, both orally and in writing. Nowadays, in addition to the traditional text, various symbols are used in written speech. As a result, all aspects of social life, including culture, will be exchanged. If the message sent is clear and concise, it indicates that the meeting was effective. The Internet space is visible in a variety of symbols, pictures, infographics, diagrams, videos, audio images, formed information technology, from the simple text of the message. This, of course, attracts the user's attention and indicates an increase in the need

кони юборилаётган хабарнинг оддий матнидан тортиб, ахборот технологиялари асосида шакллланган хилма-хил белгилар, рамзлар, расмлар, инфографика, диаграмма, видео, аудио кўринишларда намоён бўлмоқда. Бу, албатта, фойдаланувчининг диққатини тортиб, реалликдан кўра виртуаллика бўлган эҳтиёжнинг ортишидан далолат қилмоқда. Бу эса рақамли технологиялар таъсирида Интернет ОАВда ахборот узатишнинг янги форматларини шаклланишига олиб келди. Гиперматнлилик, интерфаоллик ва мултимедиавийлик каби Интернет ОАВ имкониятлари туфайли турли хил медиа платформалар синтезига асосланган ўзига хос лойиҳалар яратила бошланди. Сторителлинг, лонгрид каби мултимедиа форматлари анча машҳурликка эришди. Эндиликда юзер матний формат ўрнига аудио ва видео материалларга эҳтиёж сезмоқда. Интернет ОАВнинг гиперматнлилик имкониятлари орқали тақдим этилаётган ахборот ва маълумотлар анча ихчам бўлиб, фойдаланувчига бир қатор қулайликларни яратаяпти. Интернет ОАВнинг интерфаоллик имконияти эса фойдаланувчининг бошқа аудитория вакиллари билан мулоқот ўрнатиш ҳамда олган ахборотини турли ижтимоий тармоқлар орқали уларга узатишни таъминлайди. Интернет ОАВнинг мултимедиавийлик имконияти веб-саҳифадаги материалларни аудио ва видео воситалар билан бойитишга хизмат қилади. Бундан кўриниб турибдики, Интернет ОАВнинг мултимедиавий имкониятлари маълумотларни тарқатиш ва фойдаланувчига етказишда янги истиқболларни белгиламоқда. Зеро, тезкорлик, холислик ва ҳозиржавоблик бугунги замон талабидир.

Калит сўзлар: медиа, гиперматнлилик, интерфаоллик, мултимедиавийлик, фоторепортаж, фото, видео.

КИРИШ

Бугунги кунда медиа замонавий жамият учун хос бўлган хусусият ва ҳодисаларни ифодаловчи медиа саводхонлик, медиа маданият, медиа технологиялар, медиа макон каби атамаларнинг асосий “негизи” бўлиши билан бирга, мутахассислар томонидан жуда тор ёки хаддан ташқари “кенг” маъноларда талқин қилинмоқда.

for virtuality rather than reality. This has led to the formation of new formats of information transmission in the Internet media under the influence of digital technologies. Capabilities of Internet media, such as hypertext, interactivity and multimedia, unique projects based on the synthesis of different media platforms have been created. Multimedia formats such as storytelling and longgrid have become very popular. Now the user needs audio and video materials instead of text format. The information and data provided by the Internet through the hypertext capabilities of the media is very compact and creates a number of conveniences for the user. The interactive ability of the Internet media enables the user to meet with other members of the audience and share the information they receive through various social networks. The multimedia capabilities of the Internet media serve to enrich the content of the web page with audio and video means. It is obvious that the multimedia capabilities of the Internet media are setting new perspectives for the dissemination and delivery of information to the user, because speed, objectivity and modernity are the requirements of today.

Key words: media, hypertext, interactivity, multimedia, photo report, photo, video.

Тарихдан бизга маълумки, тил, ёзув ва ёзув машинасининг ихтиролари коммуникациянинг 3 та инқилоби ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотчилар электрон коммуникациянинг визуал эшитиш, аудио визуал кўринишлари, шунингдек, телеграф, фонограф, радио, телевидение ҳамда компьютернинг пайдо бўлиши тўртинчи инқилобни юзага келтирган, деб қайд этадилар. Айнан компьютер технологиялари тараққиёти “мултимедиа” атамаси кенг қўлланила бошланишига сабаб бўлди [Качкаева А., Шомова С., 2017; 36-37]. *Мултимедиа* атамаси илк бор XX асрнинг 60-йилларида кино, слайд-шоу, мусиқа ва ёруғлик дизайни элементларини ўз ичига олган шоуларни кўрсатиш учун қўлланилган. Бугунга келиб мултимедиа атамаси билан бирга, кросс медиа ва транс медиа атамалари ҳам кенг қўлланилмоқда. Кросс медиа – бу турли хил медиа манбалар (турли ОАВ, мобил қурилмалар) ёрдамида бир хил ёки маъноси жиҳатидан яқин контентни тақдим этиш бўлса, транс медиа – бу турли медиа платформаларда ҳамда хилма хил алоқа усулларида фойдаланган ҳолда бир мавзудаги хабарларни узатишга айтилади. Кўп ҳолатларда интернет ўзининг мултимедиа хусусияти билан устундир. *Мултимедиа* – инглиз тилидаги “multi” ва “media” сўзларидан олинган бўлиб “кўп”, “бир неча” ва “ахборот узатувчи воситалар” маъноларини билдиради. Бошқа бир таърифда мултимедиа – бу икки ёки ундан ортиқ алоқа каналларининг бирикмаси деб изоҳланган бўлса, шунга ўхшаш таъриф Merriam-Webster Collegiate луғатида мултимедиа – бир вақтнинг ўзида бир неча алоқа каналларидан фойдаланиш ва жалб қилиш деб таърифланган [Burnett R., Brunstrom A., Nilsson A., 2004; 2].

“Мултимедиа” термини илк мартаба 1965 йили Боб Гольдштейн томонидан ўз ичига ёруғлик, мусиқа, кинони олган тадбирни тасвирлаш учун қўлланилган. Ҳозирда мултимедиа тушунчаси матн, фото, овоз ва тасвирларнинг камида икkitаси бирлашган ҳолда ахборот узатиш деб тушунилади. Расмнинг анимацион ҳолатини ҳам мултимедиа сифатида эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга, мултимедиа маълумотларнинг аниқ ва тушунарли етказиб берилишини таъминлашга ҳам хизмат қилади [Қосимова Н., 2019; 245]. ОАВдаги мултимедиавийлик жараёни ҳақида ўтган асрнинг 80-йилларида гапирила бошланди. Ана шу даврдан бошлаб унинг *илк босқичи* шаклланди. Аммо кейин бу атама ОАВда медиа таркибнинг ўзгариши эмас, балки турли хил ОАВнинг ўзаро аралашиб кетиши деб тушунилган. Аниқроқ қилиб айтганда, ОАВ капиталининг мултимедиавийлиги маданий соҳадаги китоб бизнеси, овоз ёзиш ва кино саноати мулки билан классик ОАВни ташкил этувчи газета, радио ва телевидениени бирлаштириш назарда тутилган. Мултимедиавийликнинг *иккинчи босқичи* баъзи бир ОАВнинг таркибий қисмларини бошқаларига аралаштиришдан иборат бўлган. Бунда радио сериаллар ўрнини телесериаллар, томошалар эса телевизион филмлар билан алмашиши кузатилди. Ушбу жараённинг оммалашуви 1980-йилларда авж олиб, телевидениега хос бўлган визуал элементлар аста-секин босма ОАВда ҳам намоён бўла бошлади. *Учинчи босқич* 1990-йилларнинг ўрталарида анъанавий ОАВ веб-сайтлар ҳамда ихтисослашган Интернет ОАВ пайдо бўлиши билан характерланади. Интернет аслида техник жиҳатдан матн,

визуал ва аудиовизуал элементларни бирлаштиришга рухсат берадиган маконни намоиш этган. Бирок, Интернет ОАВнинг ҳақиқий мултимедиавий шаклига ўтиши анча давом этиб, 10 йилча амал қилди. Дастлаб анъанавий ОАВнинг веб-сайтлари фақатгина босма ОАВнинг веб кўриниши сифатида акс этган.

Худди шундай нуқтаи назар Жорж Рейна (Jorge Reyna), Жозе Хенхам (Jose Hanham) ва Питер Мейер (Peter Meier) каби австралиялик олимлар жамоаси томонидан ҳам қайд этилган. Уларга кўра, 1990-йилларнинг бошларида веб-сайтни яратиш учун HTML, JavaScript ва CSS кодлашни тушуниш талаб этилган. Шунингдек, веб-сайт интерфейсига мурожаат қилиш учун визуал дизайн кўникмалари талаб этилган. Ўша ўн йиллик мобайнида веб-сайтни яратиш концепциясидан уни амалга ошириш жараёнини ўз ичига олган бўлса, эндиликда Wix ва Weebly веб-хостинг хизматларининг конструктори ёрдамида бир соат ичида веб-сайтни яратиш имконияти вужудга келган. Бу хизматларда кодлаш заруратисиз ўрнатилган профессионал намуналар, алоқа шакллари, блоглар, интерфаол фото галлереялар мавжуд. Мазкур платформаларнинг фойдаланиш учун қулай интерфейси хизматлар ва маълумотларни тақдим этадиган веб-сайтларнинг кўпайишига олиб келди [Reyna J. et al., 2018; 18], деб таъкидлайдилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Интернет ОАВнинг мултимедиавий имкониятлари тармоқ фойланувчиларига яна ҳам фаол бўлишлари учун бир қатор янги қулайликларни вужудга келтирди. Бугун, ҳатто, интернет журналисти бўлмаган ҳар қандай киши тайёр намуналар асосида бир соат ичида веб-сайт ёки блогларни ташкил этиш, юритиш ва дўстлашиш имкониятига эга. Веб-сайтлардаги фото, аудио ва видео материалларни юклаш, слайд-шоу яратиш, катта ҳамждаги материалларни архивлаш, журналистика янги жанрлари сторителлинг ва лонгридларнинг оммалашуви онлайн журналистиканинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи воситалар сифатида хизмат қилмоқда.

Россиялик профессор Е.Л. Вартанова “мултимедиянинг турли хил ахборот форматларини битта ОАВ манбаларида тақдим этиш” [Вартанова Е., 1999; 11], деб изоҳласа, Е.А. Баранова мазкур тушунчани кенг маънода, яъни икки томонлама тушунишни таклиф этади. “Мултимедиа” инглизча “multi” – кўплик ва лотинча “media” – ОАВ, яъни ахборот ва аудиовизуал ахборот воситаларини тарқатиш. Булар: матн, фото, видео, аудио, графика, шунингдек, гиперматнли маълумотлардан фойдаланган ҳолда контентни тақдим этиш; контентни Интернет, мобил телефон, электрон қоғоз, радио, телевидение каби турли платформалар орқали бериб бориш [Баранова Е., 2014; 62], деб таъкидлайди. Юқоридаги икки олималардан фарқли равишда М.М. Лукина ОАВда “мултимедиавийлик” деганда, маълумотларни турли медиа платформалар – матн, фотосурат, аудио-, видео-, графика, анимация ва бошқа шакллар уйғунлигида тақдим этиш имконияти тушунилади, деган фикрни илгари суради [Лукина М., 2010]. Москва давлат университети профессорлари Я.Н. Засурский, Е.Л. Вартанова, Л.М. Землянова-

ларнинг мултимедиага бағишланган асарлари анъавий медиа инфратузилмасини ўзгартириш ҳамда ахборот жамиятининг интеграциялашган инфратузилмасида янги ОАВ тараққиётида муҳим манбалари сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонлик интернет журналистикаси етакчи мутахассисларидан Н.Муратова “мултимедиавий элементлар ахборотнинг таъсирчанлигини оширади ҳамда унинг яхшироқ қабул қилиниши ва тушунилишига ёрдам беради. Бугунги кунда мултимедиадан фойдаланиш фақатгина мода эмас, балки заруратдир. У замонавий ривожланган онлайн ОАВнинг атрибутидир” [Муратова Н., 2015; 70], деб таъкидлайди. Ҳозирги кунда Интернет ОАВни ифодаловчи бир қатор хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари гиперматн, интерфаоллик ва мултимедиа ҳисобланади. Аммо мазкур бўлиниш бир қатор хорижлик ва Россия мутахассислари томонидан турлича изоҳланган. Америкалик олим, Нью Жерси давлат университети профессори Жон В.Павлик (John Vernon Pavlik) юқоридаги учта хусусиятдан ташқари концептуаллашув, вақт тезлиги ва тезкорлик мавдудлигини ҳам эътироф этса, коммуникация фанлари доктори Фернандо Замит (Fernando Zamith) эса яна тўртта хусусият: тезкорлик, оммабоплик, хотира ва шахсийлашувни қўшади. Бундан ташқари конвергенция, гипермедиа, фойдаланувчи яратган контент (UGC), фуқаролик журналистикаси, вики журналистикани тавсифловчи адабиётлар ҳам турли концепцияларга бой [Steensen S., 2011; 311-327].

Россиялик олималар ҳам Интернет ОАВнинг мултимедиавий имкониятларини турли ракурсларда тадқиқ этганликлари маълум. Мисол тариқасида Интернет ОАВ бўйича етакчи мутахассислардан М.Лукина ва И.Фомичевалар гиперматнлилик, интерфаоллик ва мултимедиавийлик хусусиятларини технологик томондан тадқиқ этганлар [Лукина М., 2005; 47-48]. А.Калмыков ва Л.Кохановаларни эса гиперматнлилик, унинг Интернет нашрлари тилига таъсири [Калмыков А., Коханова Л., 2005; 182] масаласини ўрганган олимлар сирасига киритиш мумкин.

Технологияларнинг ривожланиши матн тузилишининг махсус тури – гиперматнларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Гиперматн 1965 йилда математик ва дастурчи Т.Нелсон томонидан қўлланган. Унга кўра гиперматн “... ўз моҳиятига эга, бир вақтнинг ўзида ўқувчининг хоҳишига биноан кўп ҳаракатларни бажаришга қодир бўлган матн”, деб изоҳлаган. Анъанавий матн билан гиперматн ўртасидаги фарқ шундаки, махсус белгиланган сўзлар ва иборалар – гиперҳаволаларга “клик” қилиш орқали ўтилади. Гиперҳаволалар ёки линклар – бу гиперматнли ҳужжатнинг фаол элементлари бўлиб, унинг қисмлари ўртасида тез ҳаракатланиш имконини беради [Рубцова О., 2019; 101]. Гиперҳаволалар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади: нашр ичидаги ва ташқи материалларга олиб боровчи. Ташқи материалларга нафақат бошқа сайтларда жойлаштирилган ахборот, балки компаниялар ичидаги ОАВ маҳсулотлари ва иловалари ҳам киради. Ички ҳаволалар сони эса бир неча омиллар билан белгиланади. Қоидага кўра, электрон нашрларда кўпроқ ички ҳаволалар мавжуд ва уларнинг сони “қоғоз” нашрларнинг веб-сайтларига қараганда анча катта. Са-

баби электрон нашрларда анъанавий “қоғоз” рукнига риоя қилиши шарт эмас. Гиперматн қисмлардан иборат бўлганлиги сабабли, композицион тузилиш ва ягона семантик марказга эга эмас. Гиперматнни тўлиқ ўқиб бўлмайди. Сўзнинг қатъий маъносида унинг бошланиши ва охири йўқ, чегаралари субъектив ва ҳар бир фойдаланувчи томонидан алоҳида белгиланади. Шунингдек, гиперматнлар бир неча гуруҳларга ҳам ажратилади. Бир қатор рус назариётчилари С.А. Стройков, М.В. Масалова ва А.С. Маховларга кўра типологияга асосланган электрон гиперматнлар куйидагича таснифланади: дастурий таъминот имкониятларига кўра *содда ва мураккаб*; мавжудлик ҳолатига қараб *статик ва динамик*; тугалланганлик даражасига кўра *чекланган ва чексиз*; функционал йўналишига кўра *бадиий ва бадиий бўлмаган*; жойлашувига кўра *алоҳида ва тармоқли* гиперматнларга бўлинади [Стройков С; elib.bsu.by].

Интернет ОАВнинг яна бир хусусиятларидан бири бу мултимедиавийликдир. Бу борада мазкур соҳанинг етакчи олималаридан М.Лукина ва И.Фомичевалар шундай фикр билдирадилар: “Мултимедиавийлик – бу медиаконвергенция ғояларининг моддий жиҳатдан амалга ошиши, яъни ахборот узатишнинг барча каналлари бўлган даврий нашрлар, радио эшиттиришлар, телевидение ва Интернетни яхлит уйғунлигидир” [Лукина М., Фомичева И., 2005; 72].

Ўзбекистонлик олима Н.Қосимова эса “интерфаоллик ва мултимедиавийлик медиа ва замонавий рақамли муҳитнинг муҳим хусусиятларидан саналади. ОАВда мултимедиавийлик медиа истеъмолчилар ва ўзгарувчан техник имкониятлар натижасида юзага келган рақамли инқилоб таъсирида шаклланган” [Қосимова Н; nargis.uz], деб қайд этади. Н.Қосимовадан фарқли равишда Ўзбекистон Интернет журналистикасининг малакали мутахассиларидан бири Н.Муратова Интернет журналистикада интерфаол имкониялари борасида фикр юритиб, Интернетдаги коммуникациянинг тўрт конфигурациясини ажратиб кўрсатади: *One to one* – муаллиф ёки муҳаррир е-почтасига хат жўнатиш каби коммуникатив ҳаракат; *One to many* – журналист, муҳаррир, модераторга е-почта оқали хат жўнатиш, электрон обуна шакли ва бошқа шу каби алоқа ўрнатиш турлари; *Many to one* – Интернет фойдаланувчиларининг веб-нашрга интервьюга чақирилган шахсга ёки модераторга мурожаат қилиши, сўровномаларда овоз бериш каби ҳаракатлар; *Many to many* – форумлар, изох қолдириш имкониятлари каби интерфаол имкониятларда амалга оширилаётган коммуникатив ҳаракатлардан иборат [Муратова Н., 2015; 68].

Бизнингча ҳам Интернет ОАВнинг 3 та муҳим хусусияти гиперматнлилик, интерфаоллик ва мултимедиавийлик тармоқ фойдаланувчиларига глобал ахборот маконининг янги имкониятларидан фойдаланишда муҳим омиллар сифатида хизмат қилмоқда. Эндиликда мулоқотнинг онлайн шакллари ривожланиб, онлайн интервью, онлайн конференцияларда иштирок этиш, шунингдек, сиёсий жараёнларда онлайн овоз бериш, турли сўровнома ва анкеталарни тўлдириш каби имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, жамиятда содир бўлаётган долзарб масалалар ёки воқеа-ҳодисалар юзасидан турли чатлар ва форумлар орқали

эркин фикр билдириш, изоҳлар қолдириш кабилар ҳам шулар жумласидандир.

КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон медиа ландшафтидаги сўнгги ўзгаришлар натижасида ахборот соҳаси ва ОАВ тараққиёти, фуқароларнинг объектив ва ишончли маълумотларни тезкор олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда ижобий ўзаришлар рўй бермоқда. Сабаби бугун .uz доменидаги глобал тармоқда 600дан ортиқ веб-сайтлар ва ахборот порталлари фаолият кўрсатиб, уларнинг аксарияти хорижий тилларда ўз материалларни тақдим этмоқда [Дониёров С; uza.uz].

Ўзбекистон Интернет ОАВнинг мултимедиавий имкониятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. “xs” онлайн нашри 2017 йилдан бошлаб электрон ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Ҳозирга қадар газета сайтининг олдинги версияси “old.xs.uz”да ўз аксини топган. Веб-сайт фаолияти мобайнида кўпроқ интерфаоллик ва мултимедиавийлик каби Интернет ОАВ имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб келмоқда. Маълумотлар икки тилда ўзбек (кирилл ва латин алифбосида) ва рус тилида берилади. Илгари рукнлар бош саҳифада очиқ кўрсатилган тарзда жойланган бўлса, бугунга келиб, “Рукнлар” ичида жойланган. Аввал фақат рус ва ўзбек тилларида маълумот тақдим этилган бўлса, ҳозирги кунда инглиз, араб, испан, хитой ва француз тиллари қўшилган. Сайтга жозибадорлик акс эттирувчи видео рукни мамлакат иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи видео материаллар билан бойитилган. Таҳлилга тортилган “Маданият” рукни эса инфографика. Сайтда “Facebook”, “Google Plus”, “Twitter”, “LinkedIn” каби ижтимоий тармоқларга “Мақолани дўстларингиз билан бўлишинг!” хизмати интерфаолликка ёрқин мисол бўла олади. Онлайн нашрнинг маданият хабарларида мамлакат ва хорижнинг маданият янгиликлари, турли жамоат ва маданият арбоблари, маданият ходимларининг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, театр, кино, санъат, мусиқа фестиваллари борасидаги маълумотлар умумий тарзда тақдим қилинган. Маълумотлар асосан ахборот жанрида берилган. Интернет ОАВнинг мултимедиавийлик ва интерфаоллик имкониятлари устунлик қилиб, гиперматнлиликдан фойдаланилмаган. Масалан, сайтнинг 2020 йил 1 май санасида “Дунёдаги ярмаркада Ўзбекистон хунармандларини кутишмоқда” номли хабарида “Бутун дунёда COVID-19 тарқалиши сабабли жорий йилда кўргазмани бекор бўлганига қарамай Ўзбекистоннинг АҚШдаги фахрий консули Кэрол Лопез билан видео-конференция ташкил этилгани баён этилади. Унда Ўзбекистон 60 давлатдан 150 дан зиёд хунармандлар иштирок этадиган дунёдаги энг йирик форумнинг доимий қатнашчилари эканлиги, уч кун давом этадиган ярмаркада қарийб 3 миллион долларлик халқ амалий санъати намуналари сотилиши” [xs.uz/uzkr/post] алоҳида қайд этилган. Хабарда келтирилган инфографика (катта рангли фото-сурат), бир қатор ижтимоий тармоқлар орқали хабар билан улашиш интерфаоллик каби мултимедиавий имкониятларини акс эттиради. Бошқа хабарларга қараганда материал анча кенг ёритилгани диққатга сазовор. Фақатгина матнда

гиперилловалар ёки айна видеоконференциянинг видеоси жойлаштирилганда яна ҳам мақсадли бўлар эди.

Жорий йилнинг 4 февраль санасида “Лазги” рақсининг ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатиغا киритилганлиги тўғрисидаги сертификат Хоразм вилояти ҳокимлигига топширилади” [xs.uz/uzkr/post] номли хабарда ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле хоним томонидан имзоланган Хоразм “Лазги” рақсини Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатиغا киритилганлиги тўғрисидаги сертификат жойланиши мултимедиавий жуналистикадаги инфографикани акс эттиради. Айнан хабардан аввал катта ҳажмдаги сертификат фотоси нафақат ўқувчининг диққатини тортибгина қолмай, хабар ҳақида тезкор, аниқ ва эффе́ктив маълумотни тушуниш имконини беради.

2019 йилнинг 20 декабрь санасида ““Қўқон шамоли” томошабинларни ўтмиш саҳнасига олиб кира олдими?” номли хабарда Қўқон хонлигидаги XVIII аср охири – XIX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, адабий муҳит ва Амирий таҳаллуси билан ижод қилган Амир Умархон ҳамда унинг аёли – бетакрор шоира Нодирабегимнинг ҳаёти ёритилган деб қайд этилади. Шунингдек, газета муҳбири Ю.Ўрмонованинг ёш актриса Р.Асатова ўз ролини уddалай олганми? деган саволи очиб берилган. Айтиш жоизки, хабарни акс эттирувчи битта фотосурат берилаётган материалнинг тўлиқ мазмунини бермаслиги табиий. Хабарга кинонинг видеоси ёки фильм премьерасидан воқеа-ҳодисалар акс эттирилган фоторепортаж ёки видео материал юкланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Веб-сайтни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, маданият мавзусини ёритувчи материаллар умумий, ахборот жанри устунлик қилади. Инфографикадан унумли фойдаланилган, видео материаллар юкланмаган.

2018 йилнинг 8 октябрь санасида “Xs.uz” онлайн нашри “Луврда Ўзбекистонга бағишлаб уюштирилаётган кўргазма кутилмаган, барчани ҳайратга соладиган бўлади” [xs.uz/uzkr/post] сарлавҳаси остида инфографика орқали акс эттирилган музейни тасвирловчи иккита фотосурат ўқувчининг диққатини тартади. Хабарда Лувр музейининг ислом санъати бўлими директори Яник Линц бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда 2021 йилда Луврда бўлиб ўтаётган “Ипак йўлидаги цивилизация ва маданиятлар” кўргазмаси учун Ўзбекистон музейларидан танланган экспонатлар бўйича мутахассислар фикрини ўрганиш масаласи ёритилган.

“Kultura.uz”нинг “Вернисаж” рукнида 2020 йил 13 апрел санасида “Дунёда энг кўп ташриф буюриладиган музейлар қайси? Парижнинг Лувр музейи коллекциясида Ўзбекистондан олинган буюмларни ёд олиб” [kultura.uz] сарлавҳали ўхшаш хабар келтирилган. Б.Бабаев томонидан тайёрланган хабар ҳам ўзида бир фотосуратни жамлаган. “Xs.uz”дан фарқли равишда маълумотни анча кенг ёритганлиги билан ажралиб туради. Мухбир 2018 йилда “Art Newspaper” нашри томонидан қайд этилган дунёнинг энг кўп ташриф буюриладиган музейлар рўйхатини келтиради. Биринчиликни 10,2 миллион ташриф буюрувчини ўз ичига олган Парижнинг Лувр музейи бўлса, кейинги ўринларда Хитой (“Хитой миллий музейи”), Буюк Британия (“Тейт Модерн”, “Британия” музейи,

“Миллий галлерей”, “Виктория ва Алберт” музейи), АҚШ (“Метрополитен”, “Санъат миллий галлерейси”), “Ватикан” музейи ҳамда Санкт-Петербургнинг “Давлат Эрмитажи” келтирилган. Шунингдек, хабарда Лувр музейи ислом санъати бўлими археологи Р.Ранте Ўзбекистон тарихини яхши билгани учун Бухоронинг Пойкенд туманида Лувр музейининг археологик экспедициясига раҳбарлик қилгани ҳамда Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ экспонатлар қайд этилган. Жумладан, мухбир Б.Бабаев Самарқанднинг “сопол идиш”, “Амир Темур шамдони”, “ўйилган мозаикалар”, “қабр тошларидан парчалар”, миниатюра [kultura.uz] намуналари борасида қизиқарли маълумотлар ҳам келтирган. Шунга қарамай мазкур хабарда франциялик археологнинг интервьюси аудио материал сифатида тақдим этилса ва Лувр музейининг видеоси бириктирилса хабар яна ҳам жозибадор бўлар эди.

Айни мавзудаги хабарни “*Qalampir.uz*” веб-сайтида ҳам учратиш мумкин. Сайтда маданият янгиликлари “Маданият-санъат” рукнида кичик рукнларга бўлинмаган умумий тарзда тақдим этилади. Бунга мисол тариқасида 2020 йил 9 январь санасида “Луврда Ўзбекистон маданий мерослари кўргазмаси ташкил этилади” [qalampir.uz] сарлавҳали хабарни айтиш мумкин. Бошқа сайтлардан фарқли равишда сайт таҳририяти Франция пойтахти Париж шаҳрида жойлашган Лувр музейида 2021 йилнинг октябрь ойидан 2022 йилнинг февралигача давом этадиган кўргазмада Ўзбекистоннинг бутун дунёга сочилган энг нодир санъат намуналари ва маданий бойликлари биринчи бор яхлит ҳолатда намоиш этилиши ҳақида хабар қилади. Ушбу хабарни тақдим этишда таҳририят мултимедиавий воситаларни қўллаб, бир неча фотоларни акс эттирувчи фоторепортаждан унумли фойдалангани диққатга сазовор. Мазкур хабарда интерфаоллик “Мақолага баҳо бериш” орқали амалга оширилган. Натижада 48 киши уни баҳолаб, рейтингда 3 баллни тўплаган. Гиперматнлилик қайд этилмаган.

Ташриф буюрувчилар сони кўп бўлган “*Daryo.uz*” нашри ҳам “Санъат” рукнида 2018 йилнинг 9-майида “Луврда Ўзбекистон миллий кўргазмаси ташкил этилади” [daryo.uz], деб хабар қилади. Унда Ўзбекистонга Лувр музейи директори Жан-Люк Мартинес бошчилигидаги Франция делегацияси келиши, шу билан бирга делегациянинг Олий Мажлис Сенати, Маданият вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Темурийлар тарихи, Санъат ва Тарих музейлари, Самарқанддаги “Афросиёб” музейларининг зиёрати ҳақида хабар брилади. Ушбу хабарда мултимедиавийлик воситаларидан Франция делегацияси раҳбари Жан-Лун Мартинеснинг катта фотосурати бўлса, интерфаоллик “Facebook”, “Twitter”, “Odnoklassniki” ва “Telegram” орқали хабарни улашиш тизими йўлга қўйилганлиги билан акс этади. Шунингдек, хабар қисқа ахборот жанрида берилган. “*Daryo.uz*”да жамиятнинг маданий ҳаётини ёритувчи “Маданият” рукнида “Мусиқа”, “Кино”, “Шоу-бизнес”, “Маданият”, “Маҳаллий, Маданият” каби рукнлар остида маълумотлар тақдим этилади. Юқорида таҳлил этилган ахборот каналларидан фарқли равишда “daryo.uz” кўпроқ мамлакатимиз ва хорижлик хонандалар, актёрлар, санъат намоёндалари ва дарғалари, маданият арбоблари ҳамда маданият ходимларининг ҳаёти ва ижоди, улар фаолиятининг

сўнгги янгиликлари тақдим этилган. Шунга қарамай, мазкур веб-сайт материаллари фото+видео билан бойитилганлиги билан ажралиб туради. 2020 йилнинг 18-апрелида “*Daryo.uz*”нинг “*Кино*” рукнида видео материал бириктирилган “Интернетда Леонардо да Винчи ҳақидаги мини-сериалнинг илк кадрлари пайдо бўлди (видео)” [*daryo.uz*] хабарни тақдим этади. Хабарда қайд этилишича, кадрларда Леонардо қай тарзда расм чизишни ўргангани ҳамда “Сирли кечада” деб номланган картинасини чизганидан кейин қандай машҳур бўлиб кетгани айтилади. Мини-сериал саккиз қисмдан иборат бўлиши, унда италиялик актёр Жанкарло Жаннини (Леонардонинг устози ролини ижро этган), Матильда де Анхелис (рассомнинг илҳом париси), Фредди Хаймор (детектив Стефано Жиральди) ва бошқалар суратга тушиши қисқа ахборот тарзида баён этилган. Мазкур хабар мултимедиавий жанрларнинг қамровига кўра видео жанр таркибига киради. Зеро, осон ва енгил тилда ёзилган матн, фото, видео ва умуман графикадан унумли фойдаланиш ўқувчига материални ўзлаштиришда қулайликларни яратади. Хабардаги италиялик актер ҳамда асарнинг фотолари ҳамда видео материални “матн+фото+видео” тартибидаги элементлар билан бойитилганлигини кўрсатади. 2020 йил 16 апрель куни тақдим этилган “*Daryo.uz*”нинг “*Кино*” рукнидаги видео бириктирилган яна бир хабар “Ўзингизни эркин тутинг, хато қилишдан қўрқманг. Натали Портман актёрлик маҳоратидан онлайн-дарс ўтмоқда (видео)” деб номланади. Унда “Оскар” мукофоти совриндорларидан бири Н.Портман изоляция вақтида актёрлик маҳоратидан онлайн-дарс тақдим этилади. Harper’s Bazaar’нинг ёзишича, бунинг учун актриса MasterClass платформасидан фойдаланмоқда. Икки дақиқалик тақдимотда Натали бўлажак актёрларни эркин бўлиш, хато қилиш ва янгиликларга қўл уришга қўрқмасликка чақириб, актёрлик бу тасаввур билан ишлаш эканини қўшимча қилган. Курсда иштирок этиш нархи 90 долларни ташкил қилади, деб айтилади хабарда. Актрисанинг “Суратга олиш – ҳамиша ёқимли, ва креатив жараён. Хато қилишдан қўрқманг. Сизнинг вазифангиз кимнингдир ҳаётини кўрсатиб бериш” [*daryo.uz*], деб хабар яқунланади. Таъкидлаш жоизки, Н.Портманнинг нафислиги, жозибаси ва гўзаллигини акс эттирувчи катта ҳажмдаги икки фотосурат графиканинг ёрқин намунасидан дарак беради. Бевосита хабарни ёритувчи видео материал эса мултимедиавийлик элементини кўрсатади. Актрисанинг ихлосмандлари кўплигини инобатга олган ҳолда мазкур хабар 23278 маротаба кўрилган. Фойдаланувчилар орасида интерфаолликни амалга оширишда бир қатор ижтимоий тармоқларга хабарни улашиш имконияти мавжудлиги ҳамда изоҳ қолдиришдан аввал, қоидалар билан қуйидаги манзилда: <http://dy.uz/sBU7c> танишиш мумкинлиги қайд этилади.

Видео хабарлар “*Kultura.uz*”нинг “*Кинопром*” рукнида ҳам учрайди. Масалан, жорий йилнинг 15 январь куни веб-сайт “Ўзбекистон ва Малайзия муқаддас Рамазон ойида Ўзбекистон ҳақидаги 10 қисмли фильмни намойиш қилади” [*kultura.uz*], деб хабар қилади. Хабарда ёзилишича, 2020 йил 14 январь куни Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчихонаси кўмаги билан “Ўзбеккино” миллий агентлиги бош директори Малайзия давлат телерадиокомпанияси (Radio

Televisyen Malaysia – RTM) раҳбарияти билан Ўзбекистон ҳақидаги 10 сериали ҳужжатли фильмни биргаликда яратиш, кейинчалик Малайзиянинг етакчи телеканалларида TV1 ва TV2да намойиш этишни муҳокама қилдилар дейилади. Айтиш керакки, Radio Televisyen Malaysia – RTM – бу 36 та радио ва 3 та телевизион каналлардан иборат бўлган Малайзиянинг энг йирик телерадиокомпанияси. Каналлар сони ўртача 25 миллион кишини ташкил этади. Мазкур ҳужжатли фильм 2020 йилнинг майида, муқаддас Рамазон ойида прайм-таймда намойиш этилади. “Ўзбеккино” бош директори Ф.Абдуҳолиқовнинг таъкидлашича, кўшма лойиҳа доирасида малайзиялик томошабинларни халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, маданияти ва сўнгги уч йилда мамлакатимизда юз берган тарихий ўзгаришлар билан таништиришдан иборат. Ислом дини тинчлик, меҳроқибат ва бағрикенглик дини эканлигини ёрқин тарихий далиллар билан бир қаторда, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзи мисоллари билан намойиш этиш муҳим вазифадир. Хабар сўнггида эса 2019 йилнинг охирида таниқли америкалик журналист Райн Чилкот ва Британиянинг I-Motus компанияси томонидан суратга олинган янги Ўзбекистон ҳақидаги 6 та ҳужжатли фильмни яратиш бўйича халқаро лойиҳа бошланиб, декабрь ойи охирида Американинг етакчи CNBC телеканалида прайм-таймда намойиш этилгани келтирилган. Веб-сайтнинг ушбу хабари анча кенг бўлиб, “Ўзбеккино” агентлиги раҳбарияти ва ходимлари ҳамда малайзиялик ҳамкасблар билан тушган фото ва бириктирилган видео хабарнинг мултимедиавий жанрларидан кенг фойдаланганини кўрсатади. “Odnoklassniki”, “Facebook”, “Twitter” каби ижтимоий тармоқларга хабарни улашиш интерфаолликни акс эттирувчи элементлар сифатида хизмат қилади [kultura.uz]. “Daryo.uz” материаллари нафақат қисқа хабарлар, видео материаллар, фото суратли кенг ва қисқа ҳажмдаги маълумотлар, балки фоторепортажларни ҳам ўз ичига олади. Бугунги кунда мухбирлар кўпроқ тасвир ва фотосуратлар жамланмасидан кенг фойдаланиши урфга айланган. Зеро, фоторепортаж мавзунини тик ифодалашда муҳим мултимедиавий восита сифатида хизмат қилади. Айнан шу йўсинда “Daryo.uz” сайти 2019 йилнинг 8 апрелида “Маданият” рукни орқали “Ҳамма рақсга тушди” Халқаро бахшичилик фестивалининг тантанали очилиш маросимидан қизиқарли фоторепортаж [daryo.uz] ни тақдим этади. Унда Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида 5-10 апрель кунлари халқаро бахшичилик фестивали бўлиб ўтиши ҳақида хабар берилади. Журналист Феруз Муҳаммаднинг маълумотига қараганда, Халқаро бахшичилик фестивалининг тантанали очилиш маросими 6 апрель куни Термизнинг Санъат саройи ҳудудида янгидан барпо этилган кўчма сахна майдонида бўлиб ўтишини акс эттирувчи 229 та фотосурат акс эрилган.

“Kultura.uz” сайти ҳам фоторепортажларни кўп кузатиш мумкин. Жумладан, “Кинопром” рукнининг 2019 йил 6 декабрь санасида “Хитойда Ўзбекистоннинг кино туризми ва кино локация (жойлари) тарғиб қилинади” номли хабарида Ўзбекистоннинг илк мартаба Хитойнинг Санъа шаҳрида бўлиб ўтадиган Иккинчи Халқаро кинофестивалида иштирок этиши қайд этилади. Хайнан ороли “Hainan Island International Film Festival” (HIFF) – Пекин, Шанхай

ва Тайбэйдаги анъанавий фестиваллар билан бир қаторда Хитойнинг тўртта энг йирик халқаро кинофестивалларидан бири. Кинофестивалнинг муҳим вазифаларидан бири кино ва маданият соҳасидаги халқаро алмашинов ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдир. Фестивалда илк маротада Ўзбекистон Миллий кино комиссияси томонидан ташкил этилган миллий павильон билан иштирок этиб, турли учрашувларни ташкил этди. Хусусан, “Reel BritProduction” вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликда фильмларни суратга олишга келишилди. Шимолий Америка кино ва телевидение профессионал ассоциацияси продюсерлар учун Ўзбекистон кино олиш ўлкаларини ўрганиш мақсадида турларни ташкил этишни режалаштирди. Шунингдек, хабар якунида Туркия миллий кино комиссияси билан ҳамкорлик ўрнатилиб, туркиялик продюсерларнинг Ўзбекистонда ноёб меъморий диққатга сазовор жойларига эга бўлганлиги сабабли фильмларни суратга олишга манфаатдорлиги ҳамда маданиятларнинг ўхшашлиги қайд этилади [kultura.uz]. Мазкур хабарда мултимедианинг энг қўлланиладиган, фотолар жамланмаси ёрдамида мавзунинг визуал кўринишини акс эттирувчи фоторепортаждан фойдаланилган. Яъни биринчи фотода Хайнан ороли акс этган бўлса, кейингисида миллий атлас ва адрас либосларидаги ўзбек ва хитойлик аёл кино ижодкорларининг сурати жойланган. Кинофестивал рамзини ифодаловчи расм, Ўзбекистон Миллий кино комиссиясини акс эттирувчи икки фотосуратлар берилаётган мавзунинг тўлиқ мазмунини ифодаламакда. Шу билан бирга, бир қатор ижтимоий тармоқларга хабарни улашиш тизими ҳам киритилган.

Фоторепортажга яна бир мисол тариқасида сайтнинг “Вернисаж” руқнидаги “Техронда “Ўзбекистон – буюк ипак йўли чорраҳасида” номли фото кўргазма ўз ишини бошлади” хабарини келтириш мумкин. Жорий йилнинг 17 февраль куни Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) Маданият институти фотогалереясида ўзбек фото расмони, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Хусниддин Атонинг 80дан ортиқ фотосуратларнинг кўргазмаси очилди, деб хабар қилади “kultura.uz”. Шунингдек, хабарда тадбир доирасида А.Навоийнинг ижодий мероси тадқиқотчиси, эронлик доктор Муҳаммадзода Ҳусайн Седдиг томонидан нашр этилган “Алишер Навоийнинг форс тилидаги мактублари” китобининг тақдими ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ўзбекистоннинг Эрон Исломи Республикасидаги Фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Б.Абдуллаев ушбу кўргазманинг Техронда очилиши нафақат Ўзбекистон ва Эрон, балки ИХТга аъзо давлатлар ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришдаги муҳим ва муваффақиятли қадам эканлигини алоҳида таъкидловчи фотосуратлар ҳам акс эттирилган. Барча фотосуратларда Ўзбекистон ёрқин, ўзига хос ва бетакрор минтақа сифатида тасвирланган. Буюк тарихий обидалар тасвири кўп асрлик тарихни ва дунё тамаддунининг энг муҳим даврларини акс эттиради. Фотосуратларнинг аксарияти хушмуомала ва меҳмондўст Ўзбекистон халқининг ҳаётига бағишланганлигидан далолат қилмоқда [kultura.uz].

“Xs.uz” нашрининг янги кўринишида фото ва видео каби руқнлар ўз фаолиятини бошлаган. Уларда фоторепортаж, фото ва видео бириктирилган материалар мунтазам берилмоқда. Жорий йилнинг 9 майида ана шундай сўнгги хабар-

лардан бири фоторепортаж+видео элементли “Ғалаба боғи ва Шон-шараф музейи – халқимизнинг ўчмас жасорати ҳақида сўйлайди (Фоторепортаж+Видео)” [xs.uz/uzkr/post] номли хабардир. Унда келтирилишича, нашрнинг фотомухбири Х.Пайдоев томонидан Ғалаба боғи ва Шон-шараф музейи каби масканларининг 20 та сурат ўз ичига олган фоторепортаж тайёрлаган. Ушбу рангли ва бетакрор фотосуратлар хабарнинг изчил маъносини очиб, мавзунинг осон ва енгил тушунишга хизмат қилади. Айниқса, хабарнинг бошидаги видео эсанинг тўлиқ версиясини кўриш имкониятини беради. Бундан ташқари мазкур материални бошқа ижтимоий тармоқларга улашиш - интерфаолликнинг намунаси сифатида хизмат қилмоқда. “Xs.uz”нинг фоторепортаж+видеоли хабарлардан ташқари “Фотолавҳа+видео” материалли хабарларни ҳам учратиш мумкин. 2020 йил 26 февраль санаси нашрнинг “Спорт” рукнидаги “Токио-2020 Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон ўз миллий спорт либосларида қатнашади (Фотолавҳа+Видео)” [xs.uz/uzkr/post] номли хабар ана шундайлар сирасига киради. Хабар Спорт вазирлигининг фотоси билан бошланиб, сўнгра видео ва спортчилар миллий либосининг кўриниши, спорт вазирлиги ходимлари акс этган фотосуратлар жойланган. Хабарни тақдим этиш технологиясида умуман матндан фойдаланилмаган. Таниқли ижтимоий тармоқларга материални улашиш тизими ҳам кўрсатилган. Нашрнинг 2019 йилда берилган фоторепортажлари асосан фотосуратлардан иборат бўлган. Бунга “Қўқонда хорижлик меҳмонлар тантанали қарши олинди (Фоторепортаж)” хабари мисол бўла олади. Материалга видео бириктирилмаган. Э.Эҳсонов томонидан тайёрланган хабар Халқаро хунармандчилик фестивали муносабати билан Қўқон шаҳрига 78 давлатдан хунармандчиликнинг 29 йўналиши бўйича жами 191 нафар хорижлик хунармандлар ҳамда чет эл ОАВ вакиллари тантанали равишда кутиб олинишини кўрсатувчи 8 та суратлар жамланган [xs.uz/uzkr/post/].

Интернет ОАВнинг гиперматнлилик хусусияти “kultura.uz”нинг 2020 йил 9 майида “Ўйингиздан чиқмасдан туриб дунёга машҳур бўлган музейларни виртуал зиёрат қилиш имконияти” деган хабарида намоён бўлган. Унда дунёнинг 20 та таниқли музей номлари келтирилиб, рўпарасида ўша музей манзили бириктирилган: Эрмитаж – bit.ly/33nCpQg; Метрополитен опера – bit.ly/2TTSr1f; Вена Опера – bit.ly/39OINlQ; “Arts and Culture” Google лойиҳаси – artsandculture.google.com; Ван Гога музейи – bit.ly/2TRdiSQ; Вена санъат тарихи музейи – bit.ly/3d08Zfm; Лувр – bit.ly/2WciGBi; Британия музейи – www.britishmuseum.org ва бошқалар. Мазкур гиперилловалар орқали тўғридан-тўғри ўша музей сайтига кириб, исталган маълумотни визуал тарзда олиш ва кўриш имкониятини беради. Шунингдек, пандемия даврида Мисрнинг ноёб тарихий обидалари: Менна мақбараси – <https://my.matterport.com>; Хети мақбараси – <https://my.matterport.com>; Рамзес VI мақбараси – <https://my.matterport.com> ва бошқа бир қатор сайтларга ўтиш йўлга қўйилган [kultura.uz].

Музейлар мавзусини ёритувчи ўхшаш хабар “qalampir.uz”нинг 2019 йил 17 октябрь санасида келтирилади. Ушбу хабар “Тошкентда машҳурлар музейи иш бошлади”, [qalampir.uz] деб номланиб, Тошкент шаҳрининг янги боғида,

“Tashkent City” худудида дунёга машхур шахсларнинг мум ҳайкалларида ташкил топган “Юлдузлар музейи” музейи иш бошлагани ҳақида маълумот берилади. Сайт муҳбири А.Абдураимов таъкидига кўра “Юлдузлар музейи”даги ҳар бир экспонат, унинг атрофидаги муҳит энг кичик деталларигача ўйлаб ишланган – жонли қўғирчоқлар, замонавий тарихда ўчмас из қолдирган улкан шахслар ҳайкалларининг тўплами ва ҳоказолар. Музейда тез орада Ўзбекистоннинг таниқли шахслари ҳайкаллари ҳам намоён бўлади ва бу барчада катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Музей ташқи кўриниши акс этган фотосурат, шунингдек, Чали Чаплин, Буюк Британия қироличаси ҳамда мистер Биннинг мум ҳайкалларининг суратлари фотосуратлар жамланмасини намоён этувчи хабар сифатида талқин қилинади. Хабар кечки соат 18:42да жойланишига қарамай, 4298 киши уни кўрган. Одатда барча ахборот каналларида муайян хабарни ижтимоий тармоқларга узатиш тизими хабардан сўнг берилса, “qalampir.uz”да хабарнинг бошида саҳифанинг чап тарафида жойлашган. Хабар тугагач, мақолага баҳо беринг иловасида мақолани 95 киши баҳолаб, рейтинги 3,1 баллни ташкил этган.

ХУЛОСА

Келтирилган маълумотлар асосида қуйидагиларни хулосалаш лозим:

Биринчидан, *мултимедиа* атамаси XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб то бугунги кунгача кино, слайд-шоу, мусиқа ва ёруғлик дизайни элементларини ўз ичига олган шоуларни кўрсатиш учун қўлланилган.

Иккинчидан, мултимедиавийликнинг тараққиёт динамикаси ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланиб, бугунги кунда ҳам турли конвергент ва рақамли технологиялар баробарида ривожланмоқда. Ўзбекистон етакчи ахборот каналлари таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг аксариятида фото ва видео материаллар анча кўпайган. Фоторепортаж+видео, видео, фото, фотолавҳа+видеоли материаллар шулар жумласидандир.

Учинчидан, баъзи хорижлик мутахассилар учта хусусиятдан ташқари концептуаллашув, вақт тезлиги ва тезкорлик мавдудлигини ҳам эътироф этса, яна баъзилари тезкорлик, оммабоплик, хотира ва шахсийлашувни қўшадилр. Россия олимлари ҳам уларни турли ракурсда таснифлаб, гиперматнинг типологиясини бир неча гуруҳга ажратадилар. Ўзбек олимлари эса интернет журналистикада интерфаол имкониялари борасида интернетдаги коммуникациянинг тўрт конфигурациясини ажратиб кўрсатадилар.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abduraimov, A. *Toshkentda mashhurlar muzeyi ish boshladi*. <https://qalampir.uz/news/toshkentda-mash%D2%B3urlar-muzeyi-ish-boshladi-9779>
2. Babaev, B. *Kakie muzei mira samie poseshaemie? Vspominaya predmeti iz Uzbekistana v kolleksii muzeya parijskogo Luvra*. http://kultura.uz/view_3_r_14920.html
3. Baranova, Ye.A. (2014). *Konvergentnaya jurnalistika. Teoriya i praktika* (269 s.). Moskva.
4. Vartanova, Ye.L. (1999). *K chemu vedet konvergensiya SMI? Informatsionnoe obshestvo*, 5, 11-14.
5. Doniyorov, S. *SMI v novix realiyax: konvergentnaya strategiya predpochtitel'na*. <http://uza>.

- uz/ru/society/smi-v-novykh-realiyakh-konvergentnaya-strategiya-predpocht-12-06-2019
6. *Dunyodagi yarmarkada O'zbekiston hunarmandlarini kutishmoqda*. <http://xs.uz/uzkr/post/dunyodagi-eng-katta-khalq-amaliy-sanati-yarmarkasida-ozbekistonni-kutishmoqda>
 7. «Hamma raqsga tushdi». *Xalqaro baxshichilik festivalining tantanali ochilish marosimidan qiziqarli fotoreportaj*. <https://daryo.uz/k/2019/04/08/hamma-raqsga-tushdi-xalqaro-baxshichilik-festivalining-tantanali-ochilish-marosimidan-qiziqarli-fotoreportaj/>
 8. Jorge, R., Jose, H., Peter, M. (2018). The Internet explosion, digital media principles and implications to communicate effectively in the digital space. *E-Learning and Digital Media*, 15(1), 36-52.
 9. *Internetda Leonardo da Vinchi haqidagi mini-serialning ilk kadrlari paydo bo'ldi*. <https://daryo.uz/k/2020/04/18/internetda-leonardo-da-vinchi-haqidagi-mini-serialning-ilk-kadrlari-paydo-boldi-video/>
 10. Internet-SMI: teoriya i praktika. *Ucheb. posobie dlya studentov vuzov*. (2010). (343 s.). Moskva.
 11. Kalmikov, A.A. (2005). *Internet-jurnalistika: ucheb. posobie dlya studentov vuzov* (255 s.). Moskva: YuNITI-DANA.
 12. *Kinoturizm i kinolokasii Uzbekistana prodvigayutsya v Kitae*. http://kultura.uz/view_5_r_14365.html
 13. Kosimova, N. *Osobennosti sifrovoy sredi i novogo media*. <https://nargis.uz/?p=2487>
 14. Qosimova, N. (2019). *Onlayn jurnalistika* (370 b.). Toshkent.
 15. *Qo'qonda xorijlik mehmonlar tantanali qarshi olindi*. <http://xs.uz/uzkr/post/qoqonda-khorizhlik-mehmonlar-tantanali-qarshi-olindi-fotoreportazh>
 16. *"Lazgi" raqsining YuNESKO representativ ro'yxatiga kiritilganligi to'g'risidagi sertifikat Xorazm viloyati hokimligiga topshiriladi*. <http://xs.uz/uzkr/post/lazgi-raqsining-yunesko-representativ-rojkhatiga-kiritilganligi-togrisidagi-sertifikat-khorazm-viloyati-hokimligiga-topshiriladi>
 17. *Luvrda O'zbekistonga bag'ishlab uyushtiriladigan ko'rgazma kutilmagan, barchani hayratga soladigan bo'ladi*. <http://xs.uz/uzkr/post/luvrda-ozbekistonga-bagishlab-uyushtiriladigan-korgazma-kutilmagan-barchani-hajratga-soladigan-boladi>
 18. *Luvrda O'zbekiston madaniy meroslari ko'rgazmasi tashkil etiladi*. <https://qalampir.uz/news/luvrda-uzbekiston-madaniy-meroslari-kurgazmasi-tashkil-etiladi-12716>
 19. *Luvrda O'zbekiston milliy ko'rgazmasi tashkil etiladi*. <https://daryo.uz/k/2018/05/09/luvrda-ozbekiston-milliy-korgazmasi-tashkil-etiladi/>
 20. Lukina, M., Fomicheva, I. (2005). *SMI v prostranstve Interneta* (87 s.). Moskva.
 21. Muratova, N. (2015). *O'zbekiston Internet-nashrlari: rivojlanish yo'nalishlari va ijod texnologiyalari* (90 b.). Toshkent.
 22. *Multimediyana jurnalistika: uchebnik dlya vuzov*. (2017). (413 s.). Moskva: Izd. dom Visshey shkoli ekonomiki.
 23. *Prekrasnaya vozmojnost', ne vixodya iz doma, virtual'no posetit' vsemirno izvestnie muzei*. http://kultura.uz/view_3_r_15054.html
 24. Robert, B. (Editor), Anna, B. (Editor), Anders, G.N. (Editor). (2004). *Perspectives on multimedia: communication, media and information technology* (225 p.). Wiley, England.
 25. Rubsova, O.V. (2019). Sifrovie texnologii kak novoe sredstvo oposredovaniya (stat'ya vtoraya). *Kul'turno-istoricheskaya psixologiya*, 15(4), 100-108. Moskva.
 26. Stroykov, S.A. *Gipertekst kak ob'ekt lingvisticheskogo issledovaniya*. <http://elib.bsu.by/bitstream/123456789/217698/1/141-146.pdf>
 27. Steen, S. (2011, June). Online journalism and the promises of new technology. A critical review and look ahead. *Journalism Studies*, 12(3), 311-327. https://www.researchgate.net/publication/270793240_Online_Journalism_and_the_Promises_of_New_Technology_A_Critical_Review_and_look_ahead
 28. *Tehronda "O'zbekiston – buyuk ipak yo'li chorrahasida" nomli foto ko'rgazma o'z ishini boshladi*. http://kultura.uz/view_3_r_14698.html

29. *Tokio-2020 Olimpiya va Paralimpiya o'yinlarida O'zbekiston o'z milliy sport liboslarida qatnashadi.* <http://xs.uz/uzkr/post/tokio-2020-olimpiya-va-paralimpiya-ojinlarida-ozbekiston-oz-millij-sport-liboslarida-qatnashadi-fotolavhvideo>
30. *Uzbekistan i Malayziya snimut i pokajut v svyashenniy mesyas Ramadan 10-seriyiniy fil'm ob Uzbekistane.* http://kultura.uz/view_5_r_14531.html
31. «O'zingizni erkin tuting, xato qilishdan qo'rqmang». *Natali Portman aktyorlik mahoratidan onlayn-dars o'tmoqda.* <https://daryo.uz/k/2020/04/16/ozingizni-erkin-tuting-xato-qilishdan-qorqmang-natali-portman-aktyorlik-mahoratidan-onlayn-dars-otmoqda-video/>
32. *G'alaba bog'i va Shon-sharaf muzeyi - xalqimizning o'chmas jasorati haqida so'ylaydi.* <http://xs.uz/uzkr/post/galaba-bogi-va-shon-sharaf-muzeji-khalqimizning-ochmas-zhasorati-haqida-sojlajdifotoreportazh>

REFERENCES

1. *A great opportunity, without leaving your home, to virtually visit world famous museums.* http://kultura.uz/view_3_r_15054.html
2. *A photo exhibition entitled "Uzbekistan at the crossroads of the Great Silk Road" has opened in Tehran.* http://kultura.uz/view_3_r_14698.html
3. Abduraimov, A. *The museum of celebrities has opened in Tashkent.* <https://qalampir.uz/news/toshkentda-mash%D2%B3urlar-muzeyi-ish-boshladi-9779>
4. *An exhibition of Uzbek cultural heritage will be held at the Louvre.* <https://qalampir.uz/news/luvrda-uzbekiston-madaniy-meroslari-kurgazmasi-tashkil-etiladi-12716>
5. Babaev, B. *What are the most visited museums in the world? Remembering items from Uzbekistan in the collection of the Louvre Museum in Paris.* http://kultura.uz/view_3_r_14920.html
6. Baranova, E.A. (2014). *Convergent Journalism. Theory and practice* (269 p.). Moscow.
7. *Certificate of inclusion of the dance "Lazgi" in the UNESCO Representative List to be submitted to the Khorezm regional administration.* <http://xs.uz/uzkr/post/lazgi-raqsining-yunesko-reprezentativ-rojkhatiga-kiritilganligi-togrisidagi-sertifikat-khorazm-viloyati-hokimligiga-topshiriladi>
8. Doniyorov, S. *Media in new realities: convergent strategy is preferable.* <http://uza.uz/ru/society/smi-v-novykh-realiyakh-konvergentnaya-strategiya-predpochtit-12-06-2019>
9. "Everyone danced". *An interesting photo report from the opening ceremony of the International Bakhchisarai Festival.* <https://daryo.uz/k/2019/04/08/hamma-raqsiga-tushdi-xalqaro-baxshichilik-festivalining-tantanali-ochilish-marosimidan-qiziqarli-fotoreportaj/>
10. "Feel free, don't be afraid to make mistakes". *Natalie Portman takes online acting class.* <https://daryo.uz/k/2020/04/16/ozingizni-erkin-tuting-xato-qilishdan-qorqmang-natali-portman-aktyorlik-mahoratidan-onlayn-dars-otmoqda-video/>
11. *Film tourism and film locations of Uzbekistan are promoted in China.* http://kultura.uz/view_5_r_14365.html
12. *Foreign guests welcomed in Kokand.* <http://xs.uz/uzkr/post/qoqonda-khorizhlik-mehmonlar-tantanali-qarshi-olindi-fotoreportazh>
13. Internet media: theory and practice. *Textbook. Manual for university students.* (2010). (343 p.). Moscow.
14. Jorge, R., Jose, H., Peter, M. (2018). The Internet explosion, digital media principles and implications to communicate effectively in the digital space. *E-Learning and Digital Media*, 15(1), 36-52.
15. Kalmykov, A.A. (2005). Internet journalism. *Textbook. Manual for university students* (255 p.). Moscow: UNITY-DANA.
16. Kosimova, N. *Features of the digital environment and new media.* <https://nargis.uz/?p=2487>
17. Lukina, M., Fomicheva, I. (2005). *Mass media in the Internet space* (87 p.). Moscow.
18. *Multimedia journalism: textbook for universities.* (2017). (413 p.). Moscow: Publishing house.

19. Muratova, N. (2015). *Internet publications of Uzbekistan: directions of development and creative technologies* (90 p.). Tashkent.
20. Qosimova, N. (2019). *Onlayn journalism* (370 p.). Tashkent.
21. Robert, B. (Editor), Anna, B. (Editor), Anders, G.N. (Editor). (2004). *Perspectives on Multimedia: Communication, Media and Information Technology* (225 p.). Wiley, England.
22. Rubtsova, O.V. (2019). Digital technologies as a new means of mediation (article two). *Cultural-Historical Psychology*, 15(4), 100-108. Moscow.
23. Steen, S. (2011, June). Online Journalism and the Promises of New Technology. A critical review and look ahead. *Journalism Studies*, 12(3), 311-327. https://www.researchgate.net/publication/270793240_Online_Journalism_and_the_Promises_of_New_Technology_A_Critical_Review_and_look_ahead
24. Stroykov, S.A. *Hypertext as an object of linguistic research*. <http://elib.bsu.by/bitstream/123456789/217698/1/141-146.pdf>
25. *The exhibition dedicated to Uzbekistan in the Louvre will be unexpected and will surprise everyone*.
26. <http://xs.uz/uzkr/post/luvrda-ozbekistonga-bagishlab-uyushtiriladigan-korgazma-kutilmagan-barchani-hajratga-soladigan-boladi>
27. *The first shots of the mini-series about Leonardo da Vinci appeared on the Internet*. <https://daryo.uz/k/2020/04/18/internetda-leonardo-da-vinchi-haqidagi-mini-serialning-ilk-kadrlari-paydo-boldi-video/>
28. *The Louvre will host the National Exhibition of Uzbekistan*. <https://daryo.uz/k/2018/05/09/luvrda-ozbekiston-milliy-korgazmasi-tashkil-etiladi/>
29. *Uzbek craftsmen are waiting for them at the world fair*. <http://xs.uz/uzkr/post/dunyodagi-eng-katta-khalq-amaliy-sanati-yarmarkasida-ozbekistonni-kutishmoqda>
30. *Uzbekistan and Malaysia will shoot and show a 10-episode film about Uzbekistan during the holy month of Ramadan*. http://kultura.uz/view_5_r_14531.html
31. *Uzbekistan to participate in Tokyo 2020 Olympic and Paralympic Games in national sportswear*. <http://xs.uz/uzkr/post/tokio-2020-olimpiya-va-paralimpiya-ojinlarida-ozbekiston-oz-milliy-sport-liboslarida-qatnashadi-fotolavhavi>
32. Vartanova, E.L. (1999). Where is media convergence leading? *Information society*, 5, 11-14.
33. *Victory Park and the Museum of Glory tell about the immortal courage of our people*. <http://xs.uz/uzkr/post/galaba-bogi-va-shon-sharaf-muzeji-khalqimizning-ochmas-zhasorati-haqida-sojlajdifotoreportazh>